



Наманган далат университети академик лицейидаги ўқувчилар ётоқхонасида яшаётган ўқувчиларни уч махал имтиёзли овқатлантириш хизматини бажариб берувчи корхонани саралаш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Умумий маълумотлар

1.1 . Буюртмачи НамДУ академик лицей
Ташкилий-ҳуқуқий шакли Бюджет ташкилоти
Манзил: Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти
Наманган шаҳри Бобуршоҳ кўчаси 162а-уй
Директор: Д.Р.Хакимов

1.2. НамДУ академик лицейининг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами кўрсатилган хизмат учун академик лицей ётоқхонасида яшаётган жами 500 нафар ўқувчиларнинг уч махал имтиёзли овқатлантириш учун бюджет ташқари (ота-оналар бадали) маблағлари ҳисобидан 2022 йил феврал ойи учун 135 000 000 (бир юз уттиз беш миллион) сўмни ташкил этиб, танлов таклифида кўрсатилган нархлар максимал нархдан ошмаслиги керак. Жами бажарилган хизматлар учун қушимча қиймат солиғи билан 135 000 000 (бир юз уттиз беш миллион)сўм қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада келтирилган.

2. Танлов мақсади.

2.1. Академик лицей ётоқхонасида яшаётган 500 нафар ўқувчиларнинг уч махал имтиёзли овқатлантириш ижрочи-тадбиркорлик субъекти саралаш бўйича

3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар иштирок этиши мумкин. 4.4.- бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

4. Ижрочига бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши Наманган вилоятида жойлашган буюртмачининг тегишли объектларида ишлаш иш ташкил қилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3290-сон «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2018 йил 27 февралдаги 3-2018 ва 33-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги 132-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ куйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- Ташкилотнинг бош ошпаз ва барча ходимлари тиббий кўрикдан ўз муддатларида ўтганлиги тўғрисида тиббий давтарчаси ёки гувоҳномалари нусхаси

4.4. Куйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи куйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;
- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича низомда белгиланган кун ва саналарда ҳисоб-варақ фактура тақдим этиб бориши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 1 ой давомида амалга оширилади.

5.3. Имтиёзли овқатлантириш бўйича таомномалар (меню) Буюртмачи маъмурияти томонидан тасдиқланади.

Илова

Кўрсатилиши лозим бўлган хизмат

Хизмат тури	Хизмат сони
Наманган давлат университети академик лицейи ётоқхонасида ёшаётган ўқувчиларнинг уч маҳал имтиёзли овқатлантиришни бажарувчи корхонани саралаш бўйича	Буюртмага асосан